

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202<sub>1</sub> йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъкулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202<sub>1</sub> йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

	бет
Т/р	.....
1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	4
1.2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....	4
1.2.2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....	5
2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи .....	8

## **1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сирткни таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши.**

Малака талаби 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича)** – “Гуманитар фанлар” таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида, шунингдек, хусусий таълим марказларида ихтисослигига доир фанлар билан бир қаторда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтлари, архив ва музейларида, илмий ва маданий марказлар, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, маънавият ва маърифат, миллий гояни тарғиб этиш марказлари ва бўлимлари, туризм соҳасида, ўрта, ўрта маҳсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида маданий алоқаларни ривожлантириш, комил инсонни шакллантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-бошқарув, таржимонлик ҳамда консалтинг фаолияти билан боғлик комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумлари;
- шарқ ва ғарб тилларидан таржимон талаб этиладиган ташкилотлар;
- газета ва журналлар таҳририяти, радио ва телевидение, нашриётлар;
- архивлар, кўлёзма фонdlари, ахборот-ресурс марказлари, нашриётлар, оммавий-

ахборот муассасалар, турли тадбиркорлик субъектлари;

- соҳага оид илмий-тадқиқот ташкилотлари;
- ихтинослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

**1.2.3. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот;
- маънавий ва маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик (умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)
- таржимонлик;
- консалтинг хизмати ва шу қабиларни ўз ичига олади.

**1.2.4. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари**

60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- тарих соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи сифатида намунавий усуслар ва бошқалар бўйича экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича илмий шарҳлар яратиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;
- илмий семинарлар, илмий конференциялар ишида маъruzachi, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ва эксплуатацион ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсаддага йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш;

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эталлаш, ўкувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўкувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечётган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлокий тарбия масалалари бўйича якка тартибда сухбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказиша умуминсоний қадриятлар, меҳрмурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- тарихни ўрганиш ва оммалаштиришга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий сухбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва бевосита иштирок этиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

**Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазиш;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўtkазилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkазиш учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

**Таржимонлик фаолиятида:**

- давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда ўрганилган чет тиллардан таржимонлик қилиш, иш қофозлари билан ишлаш;
- турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда маъмурӣ ходим ва менежер хизматини кўрсата олиш;

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши қобилиятига эга бўлиши керак.

## **2. 60220300 - Тарих (Шарқ мамлакатлари ва минтақалари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил кила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, саклаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқукий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўнікмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуктаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиши;
- жаҳон тарихий жараёнларининг умумий ва хос қонуниятлари; жаҳон тарихининг узлуксиз цивилизацион жараён тарихи сифатида; қадимги давр ва ўрта асрлар тарихи бўйича моддий-археологик тадқиқотларнинг аҳамияти ва ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўрганилаётган минтақа (мамлакат) тарихининг барча босқичлардаги ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий тараккиёти; кадимдан ҳозиргача давлатчилик жараёнлари тарихи; халқаро муносабатларда тутган ўрни ва роли; шарқ мамлакатлари халклари тарихий ривожланишининг асосий қонуниятлари ва босқичлари; манбашунослиги ва тарихшунослиги; ўрганилаётган минтақа (мамлакат) ижтимоий-иктисодий ва сиёсий структуралари эволюцияси; ўрганилаётган минтақа халклари этногенези ва этник тарихининг асосий босқичлари, локал ҳусусиятлари ва иштирок этган асосий компонентлар, этниклик ва этник гурухлар муаммоси; Шарқ мамлакатларида маданий ривожланиш жараёнларининг асослари ҳақида билимларга эга бўлиши;

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “A1 бошланғич” босқичидан бошлаб “B2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўнималар доирасидаги билимларни камраб олиш;

- асосий ўрганилаётган шарқ тили ҳамда инглиз тилида мулоқот олиб бориши, тарихга оид матнларни таржима қила олиш;

- тарих фанларини ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;

- қасбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

қасбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, қасбий фаолият обьекти, қасбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг таълим дастури (бакалавриат дастури), тарихнинг узвийлиги, этно-маданий жараён, тарихий география, тарихий босқичлар; ижтимоий-иктисодий тараққиёт; давлатчилик тарихи; ижтимоий-сиёсий таълимотлар; кадимият; илк ўрта асрлар; ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; ёзма ёдгорликлар; мафкуравий дунё; диний, ижтимоий фикр омили; диний муносабатлар; диний конфессиялар; антропоген жараёнлар; табиат ва инсон; ижтимоий муносабатларнинг бошланиши; ибтидоий давр; мулкий муносабат; ижтимоий фактор; меҳнат тақсимоти; маънавий дунёкарап; маънавият ва ижтимоий фикр; ижтимоий табакалар; ижтимоий қарашлар; жаҳон динлари; минтақавий географик тарқалиш; этнография; тарихий этнография; моддий ва ёзма манбалар; этногенез; этнографик ва этник жараёнлар; миграцион жараёнлар; этнос ва унинг пассионар имкониятлари; биосфера ва этнос; этник жараёнларнинг замонавий тенденциялари; фонетика, морфология, норматив грамматика, стилистика, таржима амалиёти; мемуарлар, кўлёзмалар, кундаликлар; сулоловий йилномалар; сайёхлар кўлёзмалари; архив фондлари; иероглиф ёзувлар; эпиграфик ёзма манбалар; давлат тизими; бошқарув; типологик тахлил; федерация; ҳалқ кўзғолони, емирилиш; цивилизация ўчоклари; хўжалик уклади, мулкий муносабатлар, моддий неъматлар; демографик, иқтисодий, ижтимоий концентрация;proto шаҳарлар; палеография; эпиграфика; сферистика; нумизматика; тарихий топонимика; геральдика; метрология.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 « 18 » 08

M.V.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимини  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбик этиш маркази

Директор в.б.

М.Эсанов

2021 « 18 » 08

M.Y.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Тарих институти

Директор M. Sher А.Зиё

2021 йил « 18 » 08

M.Y.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Абу Райхон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институти

Директор

Б.Абдухалимов

2021 « 18 » 08

M.Ү.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллый университети

Ректор

Н.Мажидов

2021 « 18 » 08

M.Ү.

